

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КУРБАНОВА ВУСАЛА ВИДАДИЕВНА

**ЎПКА ТУҒМА НУҚСОНЛАРИНИНГ ПРЕНАТАЛ
МУЛЬТИПАРАМЕТРИК УЛЬТРАТОВУШ ДИАГНОСТИКАСИ**

14.00.19 - Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбанова Вусала Видадиевна

Ўпка туғма нуқсонларининг пренатал мультипараметрик
ультратовуш диагностикаси..... 3

Курбанова Вусала Видадиевна

Пренатальная мультипараметрическая ультразвуковая
диагностика врожденных аномалий легкого 29

Kurbanova Vusala Vidadievna

Prenatal multiparametric ultrasound diagnostics of congenital lung
anomalies 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

КУРБАНОВА ВУСАЛА ВИДАДИЕВНА

**ЎПКА ТУҒМА НУҚСОНЛАРИНИНГ ПРЕНАТАЛ
МУЛЬТИПАРАМЕТРИК УЛЬТРАТОВУШ ДИАГНОСТИКАСИ**

14.00.19 - Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1935 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нормурадова Нодира Мурадуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Ахмад Хошимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбаев Рустам Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Е.В. Бойко

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий
котиби, PhD

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ўпканинг туғма нуқсонлари (ЎТН), айниқса улар ўпка гипоплазияси билан бирга кечганда, янги туғилган чақалоқларда нафас олиш дисфункциясининг энг кенг тарқалган сабабларидан ҳисобланади. Эгиз ҳомиладорликни ва туғма нуқсонларни рўйхатга олиш Европа регистри (European Registration of Congenital Abnormalities and Twins, EUROCAT) маълумотларига кўра, «.. 2012-2022 йилларда, ҳар 10 000 та ҳомилага ўпка туғма нуқсонларининг тарқалиши 4,08 ни ташкил этди»¹¹. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2022 йилда ҳар 10 000 янги туғилган чақалоққа 1,2 тани ташкил этган. Бутун дунёда сўнгги йилларда туғма нуқсонлар учраш даражаси доимий равишда ўсиб бормоқда, ҳар йили 1,7 млн бола туғма нуқсонлар билан туғилмоқда ва улардан 5-18,7 % ини нафас олиш тизими нуқсонлари ташкил қилмоқда. Ўпка гипоплазияси бола туғилганидан сўнг оғир нафас етишмовчилиги ва ҳатто неонатал ўлимга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, ўпка гипоплазиясини аниқ ва ўз вақтида ташхислаш ҳамда летал ва летал бўлмаган турларини фарқлаш ултратовуш диагностикасининг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония каби ривожланган мамлакатларда ҳомилада ўпканинг туғма нуқсонларини аниқлаш даражаси 70-85 % га етса, ресурслари чекланган мамлакатларда, айниқса, ихтисослаштирилган пренатал марказлар ва скрининг дастурлари мавжуд бўлмаганида бу кўрсаткич 30-50% ни ташкил этади. Бундан ташқари, ўпка гипоплазияси кўпинча билвоста, кўкрак қафасининг ҳажмининг кичрайиши ва кўшимча аномалиялар мавжудлиги эвазига аниқланиб, унинг пренатал диагностикаси ихтисослаштирилган услубларсиз қийинчиликлар туғдиради ва 30-40% дан ортмайди. Пренатал даврда ўпканинг туғма нуқсонларини аниқлашдаги қийинчиликлар ҳомила ўпкасини мультипараметрик ва мультимодал текширувларига стандартлаштирилган ёндошувларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Ҳомиладорлик муддатларини ҳисобга олган ҳолда ўпка ҳажмининг меъёрлари, туғма нуқсонлар билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларни башоратлашнинг ишончли ва юқори информатив диагностик мезонлари кам ўрганилган ва бу борада ўпканинг туғма нуқсонларини эрта ташхислаш, пренатал мониторинг ва даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, туғма нуқсонларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали

¹ https://eu-rd-platform.jrc.ec.europa.eu/eurocat/eurocat-data/prevalence_en

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, туғма нуқсонлар сабабли келиб чиқадиган ногиронлик ва болалар ўлими кўрсаткичларини камайтириш борасида ўпканинг туғма нуқсонларни пренатал даврда эрта ташхислаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда туғма нуқсонларини пренатал даврда аниқлашнинг замонавий усуллари ва уларнинг имкониятларини ўрганадиган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мавжуд адабиётларда визуал диагностиканинг турли хил ёндашувларидан фойдаланган ҳолда туғма ўпка нуқсонларининг пренатал ультратовуш диагностикасини такомиллаштириш бўйича ишлар (Кохно Н.И., 2005; Патрикеева Т.В., 2016; Пуйда С.А., 2020;), ўпканинг туғма нуқсонлари бўлган болаларда перинатал ва узоқ муддатли натижаларининг клиник-эпидемиологик хусусиятларининг таҳлили масалалари (Галягина Н.А., 2014), пренатал даврда ва ёш болаларда ўпканинг туғма нуқсонларини компьютер ва магнит-резонанс томографияси имкониятлари (Вахидова З.А., 2010; Ильина Н.А., 2018), янги туғилган чақалоқларда ўпка секвестри ва кистоз-аденоматоз малформациясининг ультратовуш диагностикаси имкониятлари (Миронова А.К., 2013), пренатал даврда учрайдиган ўпканинг комбинацияланган нуқсонлари диагностикаси бўйича илмий тадқиқотлар (Віууам D.R.; 2010), ҳомиладорликнинг эрта даврларида ўпканинг туғма нуқсонлари диагностикаси (Gajewska-Knapik K., 2015, Pederiva F., 2023), ўпка нуқсонларини 3D- технологиялари ёрдамида диагностикаси (Cheng G.Z., 2016; Чуканов А.Н., 2020). Пренатал даврда ўпка аномалияларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини самарали йўллари кидириш ва амалиётга тадбиқ этиш тиббий радиологиянинг ультратовуш диагностикаси

² [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони](#)

соҳасида ҳамда ҳомила тиббиётида муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда ҳомила жарроҳлигига, жумладан, ҳомила бронх йўллари эпиш орқали диафрагма чурраларини пренатал даврда даволашга бағишланган илмий мақолалар пайдо бўлмоқда (Baschat AA, 2020; Hofmeyr R., 2022).

Мамлакатимизда янги ультратовуш технологиялари ёрдамида пренатал даврда турли ривожланиш нуқсонларини эрта ва аниқ ташхислашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Усупбаева Г.Т. 2017; Манасова И.С., 2020; Лим В.А., 2020; Кемелбеков К.С., 2020). Бугунги кунда хорижда чоп этилган кўплаб илмий ишларга қарамай, туғма ўпка гипоплазиясини баҳолаш ва прогнозини башоратлаш муаммолари, ўпканинг туғма нуқсонларини ташхислашда ультратовуш диагностикасининг янги технологиялари имкониятлари етарли даражада ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 15-январдаги 19-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистоннинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда янги технологиялар” режасига асосан бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Инновацион ультратовуш технологияларини қўллаш орқали ҳомила ўпкасининг туғма нуқсонларини ультратовуш диагностикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомила ўпкасининг туғма нуқсонларини ташхислашда кулранг шкала, доплерография ва уч ўлчовли ультратовуш технологиялари имкониятларини қиёсий баҳолаш;

ҳомиладорликнинг 12-40 ҳафталарида ҳомиланинг ўнг, чап ва умумий ўпка ҳажмларининг регионар нормативларини кулранг режим ва уч ўлчовли ультратовуш технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш;

ҳомила ўпкасининг гипоплазиясини аниқлашда торако-пулмонар индексининг имкониятларини баҳолаш;

ҳомилада ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонлари бўлган ҳолларда респиратор дисфункцияни прогнозлаш балли шкаласини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика «Она ва бола скрининги» марказида 2019-2023 йилларда аниқланган 138 та ўпканинг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилалар ва 463 та соғлом ҳомила ўпка ҳажмини нормативларини ҳисоблаш мақсадида ҳамда назорат гуруҳи сифатида туғма нуқсонлари бўлмаган соғлом 76 та ҳомила олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳомила ўпкасининг туғма нуқсонларини ультратовуш диагностикаси маълумотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишда ўпканинг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилалар ҳамда болаларда инструментал текширишлар, жумладан

ультратовуш диагностикаси, МСКТ, МРТ ҳамда патологоанатомик текшириш натижалари, жарроҳлик жараёнида олинган маълумотлар ретроспектив таҳлили ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

ҳомиладорликнинг 12-40 хафталикларида ҳомила ўпкасининг ўнг, чап ва умумий ҳажмини кулранг ранг режими ва уч ўлчовли ҳажмли ультратовуш технологиясидан фойдаланган ҳолда баҳолаш учун регионар норматив кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ҳомила ўпкасининг гипоплазиясини баҳолашда торако-пулмонар индексни ўлчаш усулининг юқори самарадорлиги исботланган;

кўкрак қафасининг кўндаланг кесимида ҳомила ўпкаларининг юзасини кўкрак қафаси юзасига нисбати ўртача $41,6 \pm 2,5\%$ ни ташкил қилиши ва ўпка гипоплазиясида 18,2% дан 33,5% гача, ўртача $25,2 \pm 5,1\%$ га камайиши исботланган;

ҳомилада ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонларида респератор дисфункция прогнозини баҳолаш учун баллар шкаласининг самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомилада ўпка туғма нуқсонларининг дифференциал диагностикаси такомиллаштирилди, бу эса ҳомиладор аёлларни олиб бориш тактикасини танлаш, неонатал даврда янги туғилган чақалоққа мақсадли ихтисослаштирилган ва шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради;

пренатал даврда ҳомила ўпкасининг ўнг, чап ва умумий ҳажмининг ишлаб чиқилган регионар нормативлари ўпка гипоплазиясини ташхислашда ультратовуш диагностикасининг кулранг режимида ёки уч ўлчовли режимида ўпка ўлчамларини аниқ баҳолаш имконини беради;

таклиф этилаётган торако-пулмонар индекс ўпка ҳажмини баҳолаш ва ультратовуш диагностикасининг кулранг режимидан фойдаланган ҳолда ўпка гипоплазиясини ташхислаш имконини беради;

«Кулранг шкалалари режим ёрдамида умумий ўпка ҳажмини баҳолаш» (№ DGU 27225 05.09.2023) ва «Ўпканинг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилаларда нафас олиш дисфункцияси прогнозини баллар ёрдамида баҳолаш» (№ DGU 27226 05.09.2023) дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморларнинг етарли сони, тадқиқотда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланиш, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ультратовуш диагностикасининг янги технологияларидан фойдаланган ҳолда ўпканинг туғма нуқсонлари диагностикасини яхшилаш, шунингдек, ҳомила нафас олиш дисфункцияси прогнозини баҳолашни торако-пулмонар индексни ва баллар

шкаласини қўллаш ёрдамида такомиллаштиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўпка ҳажмининг тавсия этилган меъёрий қийматлари ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ўпка гипоплазиясини аниқлаш имконини беради, торако-пулмонар индекс ва баллар шкаласини қўллаш эса ўпка туғма нуқсонлари бўлган ҳомилаларда респиратор дисфункцияни прогнозлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўпканинг туғма нуқсонларини пренатал даврда аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: ҳомиладорликнинг 12-40 ҳафталикларида ҳомила ўпкасининг ўнг, чап ва умумий ҳажмини кулранг ранг режими ва уч ўлчовли ультратовуш технологиясидан фойдаланган ҳолда баҳолаш учун регионар нормативлар ишлаб чиқилганлиги ва самарадорлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 29 декабрда №7н-р/64-сон билан тасдиқланган «Кулранг ва уч ўлчовли эхография ёрдамида ҳомила ўпкасининг ҳажмини баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти «Она ва бола скрининги» марказининг 2024 йил 6 январдаги 43а-сонли ва Навоий вилояти «Она ва бола скрининги» марказининг 2024 йил 9 январдаги 32-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиланинг ўпка аномалияларини, шу жумладан ўпка гипоплазиясини эрта ташхислаш ҳомиладорликни бошқариш тактикасини аниқлаш ва перинатал натижаларни яхшилаш имконини беришидан иборат. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* магнит-резонанс томография ёрдамида ҳомила ўпкасининг ҳажмини ҳисоблаш 420 минг сўм сарфни талаб этади, ҳомила ўпка ҳажмини баҳолашда ультратовуш диагностикаси арзон, қулай ва ионлаштирмайдиган тадқиқот усули бўлиб, қўшимча пул харажатларини тежаш имконини беришидан иборат. *Хулоса:* ҳомилада ўпка ҳажмини баҳолаш усулини тадбиқ этиш гипоплазия билан кечадиган ўпка нуқсонларини ўз вақтида ташхислаш имконини берган ва шу билан болалар ўртасида ўлим ва ногиронлик даражасини пасайтирган.

Иккинчи илмий янгилик: ҳомила ўпкасининг гипоплазиясини баҳолашда ишлаб чиқилган торако-пулмонар индексни ўлчашга асосланган усулнинг самарадорлиги исботланганлиги аниқланганлиги ТХКМРМ қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда №03н-р/20-сон билан тасдиқланган «Ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилада нафас олиш дисфункцияси прогнозини баллар ёрдамида баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 2 мартдаги 163-сонли ва Самарқанд вилояти «Она ва

бола скрининги» марказининг 2024 йил 6 март 51-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ҳомила ўпкасининг гипоплазиясини баҳолашда торако-пулмонар индексдан фойдаланиш ўпка гипоплазиясининг даражасини баҳолаш, бачадоничи муалажаларининг тактикасини аниқлаш ва пренатал даврда ўпка ҳажмини кузатиш имконини беришидан иборат. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ҳар бир ногирон болага ҳар йили давлат хисобидан 13 464 000 сўм маблағ сарфланишини ҳисобга олинса, ҳомиладорликнинг прогнози аниқ ноҳуш бўлиши кутилган ўпканинг икки ёки бир томонлама агенезияси, трахея ва бронхлар атрезияси, туғма бронхомаляция, йирик медиастинал ўсмалар каби ҳолатларда ҳомиладорликнинг тўхтатилиши, ўз навбатида, кўкрак қафаси аъзоларининг аномалиялари бўйича операциялар учун, касалхонада бўлиш вақтидаги пул харажатларини, шунингдек, туғма нуқсонли болани парвариш қиладиган ота-оналар учун давлат харажатларини тежашга олиб келган. *Хулоса:* ҳомила ўпка гипоплазиясини баҳолашда торако-пулмонар индексдан фойдаланиш ўпканинг туғма нуқсонларини оғир шакллари аниқланганда ҳомиладорликни эрта муддатларида тўхтатиш, ҳомиладорлик давом эттирилган ҳолатларида эса янги туғилган чақалоққа эрта ва малакали ёрдам кўрсатиш имконини беришидан иборат.

Учинчи илмий янгилик: кўкрак қафасининг кўндаланг кесимида ҳомила ўпкаларининг юзасини кўкрак қафаси юзасига нисбати ўртача $41,6 \pm 2,5\%$ ни ташкил қилиши ва ўпка гипоплазиясида $18,2\%$ дан $33,5\%$ гача, ўртача $25,2 \pm 5,1\%$ га камайишини ўпка гипоплазиясини баҳолашда қўллаш бўйича таклифлар ТХКМРМ қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда №03н-р/20-сон билан тасдиқланган «Ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилада нафас олиш дисфункцияси прогнозини баллар ёрдамида баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 2 мартдаги 163-сонли ва Самарқанд вилояти «Она ва бола скрининги» марказининг 2024 йил 6 март 51-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ўпка юзасини кўкрак қафаси юзасига нисбатини нормал кўрсаткичларини ва гипоплазия кузатилгандаги кўрсаткичларни билиш ўпка гипоплазиясини баҳолашда аниқлик киритишидан иборат. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ногиронликка олиб келадиган нуқсонларни барвақт аниқлаш болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришдан, диафрагма чурраларини эрта аниқлаш ва эрта муддатларда ҳомиладорликни тўхтатиш бу нуқсонлар билан боғлиқ бўлган ногирон болаларда жарроҳлик ва стационарда даволаш чора-тадбирарига ажратиладиган сарф-харажатларни тежалишидан иборат. *Хулоса:* ўпка гипоплазиясининг ўлимга олиб келадиган шакллари эрта

ташхислаш ва ҳомиладорликни тўхтатиш чақалоқлар ўлимини камайтириш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик: ҳомилада ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонларида респератор дисфункция прогнозини баҳолаш учун баллар шкаласи ишлаб чиқилганлиги ва самарадорлиги бўйича таклифлар ТХКМРМ қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда №03н-р/20-сон билан тасдиқланган «Ўпка гипоплазияси билан кечадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилада нафас олиш дисфункцияси прогнозини баллар ёрдамида баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 2 мартдаги 163-сонли ва Самарқанд вилояти «Она ва бола скрининги» марказининг 2024 йил 6 март 51-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги №11-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ўпка гипоплазияси билан бирга келадиган кўкрак қафаси аъзоларининг туғма нуқсонлари бўлган ҳомилада нафас олиш дисфункциясини башорат қилиш учун баллар шкаласини ишлаб чиқиш туғма ўпка нуқсонлари бўлган ҳомилада ўпка гипоплазияси даражасини аниқ баҳолаш ва ҳомиладорликни бошқариш тактикасини аниқлаш имконини берган. Ўпка гипоплазияси даражасини баҳолашнинг ижтимоий аҳамияти чақалоқларнинг ўлими ва ногиронлиги билан боғлиқ бўлган ўпканинг туғма нуқсонлари ва ўпка гипоплазияси бўлган болаларнинг туғилиш даражасини камайтиришдан иборат. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришдан иқтисодий самарани баҳолаш ногирон болалар харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 17-февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ 74-сон қарорига асосан туғма нуқсонлари туфайли ногиронлиги бўлган болаларга 622 та минг сўм, ногирон болаларни парвариш қилаётган шахсларга — 500 минг сўм ҳар ойда ажратилиши кўзда тутилган. Иқтисодий самарадорлик болаларда ногиронликка олиб келадиган нуқсонларни барвақт аниқлаш ҳар бир ногирон боладан давлатга йилига 13 миллион 464 минг сўм маблағ тежашидан иборат. *Хулоса:* ўпка гипоплазиясининг ўлимга олиб келадиган шакллари эрта ташхислаш ва ҳомиладорликни тўхтатиш чақалоқлар ўлимини камайтириш имконини берган.

В.В.Курбанованинг «**Ўпка туғма нуқсонларининг пренатал мультипараметрик ультратовуш диагностикаси**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2025 йил 09 январдаги 01/08-76-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 7 та халқаро ва 3 та республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан 10 та журнал мақолалари, шундан 6 таси республика, 4 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда, 2 та услубий тавсиянома ва 11 та тезис.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилди, иш натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, ҳажми ва диссертациянинг қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Диссертациянинг **“Ўпканинг туғма нуқсонларини пренатал визуал диагностикасига замонавий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган **биринчи бобида** мамлакатимиз ва хорижий илмий адабиётларини таҳлил қилиш асосида ўпканинг туғма нуқсонларини пренатал даврда ултратовуш ташҳислаш муаммоларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар берилди. Таъкидланишича, ўпканинг туғма нуқсонлари диагностикасини яхшилаш ва ўлимга олиб келадиган асоратлар ривожланишининг олдини олиш учун ҳомила ўпкасининг гипоплазиясида ҳомила ўпкасининг ҳажмини баҳолаш, ҳомиладорлик натижаларини башорат қилишнинг турли усулларини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг долзарб йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи”** деб номланган **иккинчи бобида** клиник материалнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари келтирилди. Тадқиқот кўп йўнашли бўлиб: биринчи обсервацион ретроспектив текширишга ўпканинг туғма нуқсонларини аниқлаш ва ҳомила ўпкасининг гипоплазияси даражасини баҳолашда ультратовуш технологияларининг имкониятларини ўрганиш мақсадида ўпкада туғма нуқсони бўлган жами 138 та ҳомидалар; иккинчи обсервацион проспектив тадқиқотга ҳомиладорликнинг 12-40 хафталари орасида ўнг, чап ва умумий ўпка ҳажми учун нормативлар ишлаб чиқиш мақсадида 463 нафар соғлом ҳомидалар ва учинчи обсервацион проспектив тадқиқотга торако-пульмонар индексини ишлаб чиқиш мақсадида 73 нафар ўпка гипоплазияси билан ҳомидалар киритилди. Назорат гуруҳига 17 ҳафтадан 38 ҳафталиккача ҳомиладорлик мейёрда кечган, туғма нуқсонларсиз, вазни ҳомиладорлик муддатига мос келадиган 76 та соғлом ҳомила киритилди.

Ҳомила ўпкасининг гипоплазияси даражасини баҳолаш ва натижаларни башорат қилиш учун оптимал диагностика мезонларини ишлаб чиқиш учун дастлабки гуруҳни (n=138) 2 гуруҳга бўлинди: балл шкаласи ишлаб чиқилган ишчи гуруҳ ва синов гуруҳи бу башорат моделининг тўғрилигини текшириш учун ишлатилган. Гуруҳлар тасодифий танлаш механизми асосида мос равишда 70% ва 30% нисбатда шакллантирилди. Гўдаклар ўлими билан боғлиқ омилларни аниқлаш учун кўп ўзгарувчан Кокс регрессион таҳлили ишлатилган. Ҳар бир ўзгарувчи учун ҳисобланган β -коэффициент қийматлари асосида Кокс регрессияси натижалари балларга айлантирилди. Бунинг учун барча β -коэффициентлар кетма-кет энг кичик олинган β -коэффициент қийматига бўлинди ва кейин энг яқин бутун сонга яхлитланди. Умумий балл барча баллар йиғиндисидир. Индекснинг прогностик аҳамиятини баҳолаш ва бошланғич баллни топиш учун эгри чизиқ остидаги майдонни (AUC) ҳисоблаш билан ROC таҳлилидан фойдаланилди. Индекс синовини тест гуруҳида ROC эгри чизигини куриш, AUC юзасини ҳисоблаш, ўзига хослик ва сезгирликни ҳисоблаш билан синовдан ўтказилди. Ишчи гуруҳга 101 ҳомила (73,2%), синов гуруҳга 37 ҳомила (26,8%) киритилди. Ишчи ва синов гуруҳлари асосий клиник ва морфофункционал кўрсаткичларга кўра таққосланган (1, 2-жадваллар).

1-жадвал

**Ўпка нуқсони турига қараб ишчи ва тест гуруҳларида
ҳомилаларнинг тақсимланиши**

Туғма нуқсонлар	Ишчи гуруҳ (n=101)	Синов гуруҳи (n=37)
Агенезия, бир томонлама ўпка гипоплазияси (n, %)	3 (2,9%)	1 (2,7%)
Асосий бронхнинг атрезияси, бир томонлама (n, %)	3 (2,9%)	2 (5,4%)
Трахея атрезияси (n, %)	3 (2,9%)	1(2,7%)
Бронхоген киста (n, %)	2 (1,9%)	1 (2,7%)
Ўпкадан ташқари секвестр (n, %)	4 (3,9%)	1 (2,7%)
Гидроторакс (n, %)	19 (18,8%)	9 (24,3%)
Диафрагма чурралари (n, %)	9 (8,9%)	3 (8,1%)
Кистоз-аденоматоз ўпка туғма нуқсони (n, %)	35 (34,6%)	11 (29,7%)
Кардиомегалия (n, %)	4 (3,9%)	1 (2,7%)
Буйрак патологияси, олигогидроамнион (n, %)	11 (10,9%)	4 (10,8%)
Секвестрация (n, %)	3 (2,9%)	1(2,7%)
Хондродисплазия кўкрак қафаси гипоплазияси билан кечувчи (n, %)	4 (3,9%)	2 (5,4%)
Лимфангиома кўкрак қафасида (n, %)	1(0,9%)	-

2-жадваллардан кўриниб турибдики, гуруҳларда фақат жинси ва янги туғилган чақалоқнинг туғилиш вақтидаги вазни бўйича фарқлар мавжуд бўлиб, ўпканинг туғма нуқсонлари тузилиши, ҳомиланинг онасининг ёши,

туғма нуқсонларни аниқлаш вақти, туғилиш вақти, омон қолиш натижалари бўйича гуруҳлар бир-бирига мос келади.

Пренатал даврда ўпканинг туғма нуқсонларини ташхислаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, кейинчалик ташхисни инструментал усуллар билан тасдиқлаш, операциядан кейинги ёки бола туғилгандан кейин патологик маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Гуруҳлардаги беморларнинг асосий клиник ва морфофункционал хусусиятлари

Мезон	Ишчи гуруҳ (n=101)	Синов гуруҳи (n=37)	p-кўрсаткич
Ҳомиладор аёлнинг ёши, йил (M±m)	26,60±4,86	27,16±5,52	p=0,566
Ҳомила жинси: - ўғил бола (n,%) - қиз бола (n,%)	48 (47,5%) 53 (52,5%)	26 (70,3%) 11 (29,7%)	p=0,018
Туғилиш муддати, ҳафтада (M±m)	38,31± 1,57	38,54 ± 1,38	p=0,447
Боланинг туғилгандаги вазни, гр (M±m)	3194,55± 416,04	3372,97± 415,43	p=0,027
Ўпка нуқсони топилганда ҳомиладорлик муддати, ҳафтада (M±m)	21,96± 5,40	23,54 ±4,82	p=0,120
Яшаб қолиш кўрсаткичи, ойларда	8,77± 8,65	10,16 ±9,54	p=0,419
Ҳомиладорлик натижаси: - яхши натижалар (n,%) - нохуш натижалар (n,%)	53 (52,5%) 48 (47,5%)	21 (56,8%) 16 (43,2%)	p=0,656


Фарқлар $p < 0,05$ да статистик аҳамиятга эга

3-жадвал

Ўпка нуқсонларини аниқлаш мақсадида ўтказилган инструментал ва тавсифий тадқиқотлар


Инструментал ва тавсифий текширишлар	Текширишлар сони			
	Жами	Ишчи гуруҳ (n=101) n (%)	Синов гуруҳи (n=37), n (%)	Назорат гуруҳи (n=463), n (%)
Кул ранг шкала эхографияси (В-режим)	601	101 (100%)	37 (100%)	463 (100%)
Рангли ва спектрал доплерография	601	101 (100%)	37 (100%)	463 (100%)
Ҳажмли эхография	601	101 (100%)	37 (100%)	463 (100%)
МРТ	31	19 (18,8%)	12 (32,4%)	-
Жарроҳлик амалиётидан кейинги эпикриз	22	15 (14,8%)	7 (18,9%)	-
Патологоанатомик текшириш	32	25 (24,7%)	7 (18,9%)	-
Кариотиплаш	45	29 (28,7%)	16 (43,2%)	-

Ультратовуш текширувлари 3,5-7,5 МГц частотали конвекс ва ҳажмли датчиклар ёрдамида эксперт тоифасидаги курилмалар ёрдамида амалга оширилди. Ҳомиланинг ўпкалари кулранг режимда учта ўзаро перпендикуляр текисликда ўлчанди (1-расм).



1-расм. Кулранг шкалали эхография. Ҳомила ўпкасининг қалинлиги ва кенглигини ўлчаш (а), чап ўпканинг узунлигини ўлчаш (б).

Ҳомиланинг ўпка ҳажмини ўлчаш учун турли хил 3D ультратовуш технологияларидан: мультислайс режими, қалин кесимли эхография, VOCAL технологиясидан фойдаланилди. Ўнг ва чап ўпканинг ҳажмлари ҳам уч ўлчовли ҳажмли эхография ёрдамида ўлчанди. Ҳар бир ўпканинг бешта кетма-кет кесимдан VOCAL (Virtual Organ Computer-aided Analysis) тизими ишлатилган ҳолда кесимлар олинди (2-расм). Ўпка учун айланиш ўқи ўпка чўққисидан диафрагма гумбазининг юқори чегарасигача кенгайтирилди. Ўпканинг контури беш кесимнинг ҳар бирида қўлда чизиб чиқилди ва 3D ҳажмли тасвир олинди.




2-расм. Ҳомиладорликнинг 29-ҳафтаси 4 кунда ҳомилада VOCAL технологияси билан уч ўлчовли эхография ёрдамида ўнг ўпка ҳажмини ҳисоблаш (23,8 см³).

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (m) ва нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан SPSS 23.0 и Excel статистик таҳлил дастурлари тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришдан ўтказилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди.


Диссертация ишининг “**Ўпканинг туғма нуқсонлари диагностикасида замонавий ультратовуш технологияларининг имкониятлари**” номли **учинчи бобида** ўпка ва кўкрак қафаси аъзоларининг турли туғма нуқсонлари

бўлган 138 нафар ҳомиланинг ултратовуш текшируви натижалари келтирилган. I турдаги ўпканинг кистоз-аденоматоз туғма нуқсони (ЎКАТН) ултратовуш текширувида 6 (100%) ҳолатда эхографик белгилари диаметри 2 см дан катта анэхоген кисталар атрофида ўпка тўқималарининг эхогенлигининг ортиши билан тавсифланган (3-расм).


ЎКАТНнинг II тури 8 (100%) ҳолатда аниқланиб, бир текис контурга эга, ўлчамлари 0,5 дан 2 см гача бўлган кўплаб анэхоген, юмалоқ шаклдаги кисталар атрофида ўпка тўқималарининг эхогенлигининг кучайганлиги тасвирланган (4-расм). III турдаги ЎКАТНда 100% ҳолларда эхографик кўриниши ўпка тўқималарининг эхогенлигининг ортиши билан тавсифланган, барча ҳолларда бир томонлама зарарланиш кузатилган (5-расм). Ўпка секвестрида ўпканинг гиперэхоген майдони 6 (100%) ҳолатда аортадан чиққан томир орқали қон билан таъминланган. Рангли доплерография ўпка секвестрининг дифференциал ташхисида самарали эканлиги исботланган. Асосий гуруҳда 12 (8,6%) ўпка секвестри ҳолати аниқланди, барча ҳолларда рангли доплерографияда аортадан секвестрни озиқлантирувчи қўшимча томир аниқланди (6-расмга қаранг).




3-расм. а) 19 ҳафталик ҳомилада ЎКАТН I тури. б) Ҳомиладорликнинг 19-ҳафтасида ҳомилада бронхоген киста.



4-расм. а) Ҳомиладорликнинг 20 ҳафталигидаги ҳомилада ЎКАТНнинг II тури. б) Ҳомиладорликнинг 21 ҳафталигидаги ҳомилада диафрагма чурраси.




5-расм. а) Ҳомиладорликнинг 19 ҳафтасида ҳомилада ЎКАТНнинг III тури.
 б) 17 ҳафталик ҳомилада юқори нафас йўлларида трахея даражасида обструкцияси.



6-расм. а) Ҳомиладорликнинг 19 ҳафталигидаги ҳомилада чап асосий бронхнинг обструкцияси ва бронхоцелеси. б) Ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасида ҳомилада ўпка секвестри, рангли доплерография режимида кўкрак аортасидан чиқаётган алоҳида қон томир кузатилмоқда.

Тадқиқотимизда уч ўлчовли ҳажмли эхографиядан фойдаланиш ўпканинг гипоплазияси бўлган ҳолларда, ўпканинг аниқ ҳажмини аниқлашга имкон берди (7-расм).




7-расм. Ўпка гипоплазияси. Ҳомиладорликнинг 21-ҳафтасида ҳомилада диафрагма чуррасида уч ўлчовли ҳажмли эхография ёрдамида ўпка ҳажмини ҳисоблаш.

Кулранг режимнинг диагностик аниқлиги иккинчи триместрда 96,7%, учинчи триместрда 98,1%, 3D эхографиясининг эса 97,7% ва 99% ни ташкил этди (8-расм).


Диссертациянинг "Ултратовуш технологиялари ёрдамида ҳомила ўпкаси гипоплазиясининг диагностикаси" номли тўртинчи бобида ўпка ҳажмининг регионар номограммаларини ишлаб чиқиш натижалари, ўпка гипоплазиясини баҳолашда торако-пулмонар индексни ишлаб чиқиш ва ўпка гипоплазиясини баҳолаш учун, бола туғилгандан кейин нафас олиш

дисфункциясини башорат қилиш мақсадида баллар тизимини ишлаб чиқиш келтирилган.




8-расм. Кулранг ва уч ўлчовли ҳажмли эхографиянинг ўпка туғма нуқсонларини аниқлашда диагностик самарадорлиги.

Ўпка ҳажмининг регионар номограммаларини ишлаб чиқиш учун тадқиқотга нормал ривожланган 463 та ҳомила киритилди. Чап ва ўнг ўпканинг ўртача ҳажмининг, шунингдек, ўпканинг умумий ҳажмининг ортиши ҳомиладорлик муддатининг ортиши билан бирга кузатилиши қайд этилган (9-11-расм).



9-расм. Кулранг эхография ёрдамида ўлчанган умумий ўпка ҳажмининг график тасвири.



10-расм. Кулранг эхография ёрдамида ўлчанган ҳомила ўнг ўпкаси ҳажмининг график қиймати.



11-расм. Кулранг эхография ёрдамида ўлчанган ҳомила чап ўпкаси ҳажмининг график тасвири.


Ўнг, чап ўпка ва умумий ўпка ҳажми ҳомиладорлик муддати билан тўғридан-тўғри чизиқли боғлиқликни кўрсатган, Пирсон корреляцияси $r=0,951$, $r=0,899$, $r=0,942$. Кулранг режимда ва уч ўлчовли ҳажмли эхография режимида ўлчанган ўнг ўпка, чап ўпка ва умумий ўпка ҳажмининг ўртача қийматлари статистик жиҳатдан бир биридан аҳамиятли фарқга эга эканлиги аниқланган, $p=0,001$, $p=0,059$, $p<0,001$ (4-жадвал). Шунинг учун уч ўлчовли ҳажмли эхография ёрдамида олинган натижалар кулранг ўлчовли эхография билан олинган натижалардан фарқ қилади ва уларни бир-бири билан таққослаб бўлмаслиги аниқланган.

4-жадвал

Ҳажмли ва кулранг эхография ёрдамида ўпканинг умумий ҳажми, ўнг ўпка ҳажми, чап ўпка ҳажмининг ўртача қийматларини таққослаш

Ўпка ҳажми	Эхографик режимлар	Ўртача қиймати (M)	Стандарт оғиш (m)	t-мезон	p-кўрсаткич
Ўпканинг умумий ҳажми	Ҳажмли эхография (n=463)	38,3549	20,74956	3,416	p=0,001
	Кулранг эхография (n=463)	33,3255	23,94061		
Ўнг ўпка ҳажми	Ҳажмли эхография (n=463)	25,0251	12,06131	1,890	p=0,059
	Кулранг эхография (n=463)	23,2195	16,64065		
Чап ўпка ҳажми	Ҳажмли эхография (n=463)	13,3315	8,85208	5,989	p<0,001
	Кулранг эхография (n=463)	10,1061	7,47755		

Иккала усулнинг қийматларини таққослаш Бланд-Альтман графигида текширилган (12-расм). 3D ҳажмли эхография ўлчовлари кулранг эхография ўлчовларидан ўртача 5 мл кўп бўлиб, 95% ишонч оралиғи -21 мл дан 11 мл гача, яъни кенг доирага эга бўлиши аниқланган.




12-расм. Умумий ўпка ҳажмини ўлчашда уч ўлчовли ҳажмли ва кулранг эхография натижаларини таққослаш.

Шундай қилиб, ўпканинг умумий ҳажми ҳомиладорлик муддати билан экспонент равишда ошган. Ўнг ўпканинг ҳажми доимо чап ўпка ҳажмидан каттароқ бўлган. Уч ўлчовли ҳажмли ва кулранг ўлчовли эхография ёрдамида олинган ўпка ҳажмининг натижалари статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилган.

Замонавий уч ўлчовли ҳажмли визуализация тизимларидан фойдаланиш ҳомила ўпкасининг ҳажмларини ишончли баҳолаш имконини берган. Дастлабки маълумотлар 3D эхография билан ўлчанган ҳомила ўпкасининг ҳажми ҳомиладорлик муддати билан экспонент равишда ортанлигини тасдиқлаган. Ушбу тизимдан фойдаланиш ҳомила ўпкасининг ўсишини баҳолаш ва ўпка гипоплазиясида унинг ўлчамларини аниқ ўлчаш имконини берган.

Тадқиқотда ўпка майдони юзасининг кўкрак қафаси майдонига нисбати асосида ўпка ҳажмини баҳолаш усули таклиф этилган (13-расм).




13-расм. а) Ҳомила 22 ҳафта 5 кунлик, кўкрак қафаси майдони $19,79 \text{ см}^2$, чап ўпка майдони $3,92 \text{ см}^2$, ўнг ўпка майдони $4,2 \text{ см}^2$, ўпканинг кўкрак қафаси нисбати 41%. б) Ҳомила 28 ҳафта 5 кунлик, кўкрак қафаси майдони $31,93 \text{ см}^2$, чап ўпка майдони $4,88 \text{ см}^2$, ўнг ўпка майдони $7,96 \text{ см}^2$, ўпканинг кўкрак қафаси нисбати 40,2%.

Торако-пулмонар индекс 76 та соғлом ҳомилада ва ўпка ва кўкрак қафаси аъзоларининг нуқсонлари бўлган 73 ҳомилада текширилди. Соғлом ҳомилада ўпка майдонининг кўкрак қафаси юзасига нисбати 36,4 дан 48,0% гача, ўртача $41,6 \pm 2,5\%$ ни ташкил этди ва ҳомиладорлик муддати билан ўзгармади (14-расм).




14-расм. Ўпкалар юзасининг кўкрак қафаси юзасига нисбати (% да) нинг ҳомиладорлик муддатига боғлиқлиги.

Масс-эффект гидроторакс ва гидроперикард сабабли юзага келган ҳолатларда (15-расм), ҳомиладорликнинг $29,3 \pm 5,5$ ҳафтасида ўртача кўрсаткичлар $23,6 \pm 5,2\%$ гача, диафрагма чурраларида эса ҳомиладорликнинг $34,6 \pm 0,7$ ҳафтасида $20,1 \pm 2,9$ гача камайганлиги, ҳомиладорликнинг $34,6 \pm 0,7$ ҳафтасида кардиомегалияда $32,1 \pm 1,2\%$ гача, ўпка гипоплазиясида ҳомиладорликнинг $22 \pm 4,3$ ҳафтасида ўртача $25,6 \pm 3,5\%$ гача камайганлиги кузатилган (16-расм).




